2007 ЙИЛ, 28 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 235 (11.044)

Баҳоси эркин нархда

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚАШҚАДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВ 27 НОЯБРЬ КУНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.**

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қашқадарё округ сайлов комиссияси раиси Н.Янгибоев очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, аҳолининг реал даромадларини муттасил ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Таъкидланишича, 3 йил мобайнида аҳолининг реал даромадлари 2-2,5 баробар оширилади. Шу билан бирга, маданий-маърифий ва таълим соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилади.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари изчил ошмоқда. Буларнинг барчаси, ислоҳотларнинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилиб, халқ фаровонлиги ва даромадларини муттасил юксалтиришга оид стратегик вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётгани туфайли эришилаётган юксак натижалардир.

Ислом Каримов ўз нутқида Қашқадарё заминида вояга етган Амир Темур ва Абу Насафий каби буюк аждодларимиз билан халқимиз ҳақли равишда фахрланишини таъкидлади. Ўзбекистонда қазиб олинаётган газнинг 88, нефтнинг 93 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади. Шўртан, Муборак ва Кўкдумалоқда ишга тушган йирик ишлаб чиқариш корхоналари вилоятнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ҳиссасини янада оширишга хизмат қилди.

Учрашувда Қашқадарё вилояти Пахта уруғчилиги бирлашмаси раиси Шодиёр Хўжаназаров, меҳнат фахрийси Хўжам Норқобилов, Муборак газни қайта ишлаш заводи директори Ўктам Умаров, Нишон туманидаги «Лёва» фермер хўжалиги раҳбари Лев Ким, Қарши ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Зебунисо Шодиева мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини қайд этдилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби долзарб масалаларни амалга оширишнинг муҳим кафолати эканлигини алоҳида таъкидладилар.

**А.БОБОЕВ,**
**А.МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

**МАМЛАКАТИМИЗДА МАНА БИР НЕЧА ЙИЛДИРКИ ЁШ ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАРНИНГ ИСТЕЪДОДЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ, УЛАРНИНГ ОРАСИДАН ЭНГ МУНОСИБЛАРИ СЕВИМЛИ ШОИРА ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛАЁТГАНЛИКЛАРИ БАРЧАМИЗНИ ҚУВОНТИРМОҚДА. БУ АЛБАТТА МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН КАТТА ЭЪТИБОР НАМУНАСИДИР.**

*Танловлар*

### ЁШ ИҚТИДОРЛАР САФИ ОРТМОҚДА

Мазкур мукофот аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашдаги бекиёс ўрнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидан иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълимни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилгандир. Қувонарлиси шундаки, ушбу танловда иштирок этиш истагини билдираётган истеъдодли қизлар сафи йилдан йилга ортиб бормоқда.





Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган «Зулфияхоним қизлари» танловининг шаҳар босқичида фан ва таълим йўналиши бўйича номзод қизлар ўз билим ва иқтидорларини намоён этдилар. Қизларнинг ниҳоятда ўткир билим ва салоҳиятларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари муносиб баҳолаб бордилар.

— Мен бу йилги Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар орасидан фан ва таълим йўналишида иштирок этаётган қизларнинг танлаган мавзуларини, уларнинг ушбу мавзуларда олиб бораётган илмий тадқиқотларини кузатиб ниҳоятда хурсанд бўлдим, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор, ҳайъат аъзоси Хотима Шайхова.— Айниқса манбашунослик бўйича Шайхонтоҳур тумани тарихи ҳақида кенг ва батафсил маълумот берган қизимиз диққатимизни ўзига тортди. Танлов иштирокчилари илмий-тадқиқот ишларидан ташқари жамоатчилик соҳасида ҳам кенг фаолият олиб боришмоқда. Мен истардимки, мана шундай илмга чанқоқ, ўткир салоҳиятли қизларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ишларини газета-журналларда чоп этиш, ёш олима қизларнинг илмий ишларини тўплам ҳолида чиқариб бориш керак.

**КЕЧА** Ўзбек Миллий академик драма театрида карнай-сурнай наволари остида «Зулфияхоним қизлари» танловининг адабиёт, санъат ва маданият йўналишлари бўйича шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова кириш сўзи билан очар экан, Президентимиз ташаббуслари билан 1999 йилда таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар сафи кенгайиб, улар орасидан энг сара ва муносиблари ушбу мукофот совриндори бўлаётганликларини таъкидлаб, танловнинг шаҳар босқичига етиб келган барча иштирокчиларни муборакбод этиб,уларга омадлар тилади. Сўнг танлов иштирокчилари адабиёт, шеъърият, санъат, маданият соҳаларида эришаётган ютуқлари, келгусидаги мақсад ва орзуларини баён этдилар. Севимли шоирамиз Зулфияхоним ва унинг ижоди ҳақида фахр ва ғурур билан сўзладилар. Ниҳоятда шодиёна тарзда ўтган танловда дизайнчи, шоира, раққоса, рассом ва қўшиқчи қизлар ўз истеъдод ва маҳоратлари билан йиғилганлар эътиборини қозондилар.

—Танловнинг шаҳар босқичида иштирок этаётган қизларнинг истеъдодларини кўриб ниҳоятда фахрланиб ўтирдим,—дейди ҳайъат аъзоси филология фанлари доктори,профессор Қумри Абдуллаева. — Шуни айтиш жоизки, Тошкент шаҳри бўйича жорий йилда танловнинг илк босқичларида пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва умумтаълим мактабларидан жами 10000 га яқин қизлар иштирок этишди. Уларнинг 2446 нафари туман босқичларида қатнашди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти шаҳар комиссиясига эса тавсия этилган номзодлар сони 46 нафарни ташкил этди. Бугун мана шу қизлар танловнинг шаҳар босқичида иштирок этишмоқда. Яна шу нарсани қайд этиш керакки мукофотга тавсия этилган номзодларнинг таркибида ўзбеклар билан биргаликда рус, татар, қозоқ, украин ва бошқа миллат вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар. Ўйлайманки, танлов иштирокчилари келгусида ўз соҳасининг етук билимдони бўлиб, мамлакатимиз тараққиётига ҳамда мустақил Ўзбекистонимизни бутун жаҳонга танитишда ўзларининг муносиб улушларини қўшадилар.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Зулфияхоним қизлари» танловининг шаҳар босқичидан лавҳалар.**

**Алексей Попов олган суратлар**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• «Экосан» халқаро ташкилотида тегишли ташкилотлар ҳамда жамоатчиликнинг қишга тайёргарликларини мониторинг қилиш мақсадида «Қишки мавсумга тайёргарлик ишларида жамоатчиликнинг роли» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Тадбир давомида қишга тайёргарлик кўриш жараёнида учраган муаммолар ва уларнинг ечимлари атрофлича муҳокама этилди.**

**• Урганч шаҳрида мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган халқ истеъмоли маҳсулотларининг улгуржи савдо-ярмаркаси бўлиб ўтди. Икки кунлик савдо-ярмаркасида 50 дан зиёд ишлаб чиқарувчилар мингдан ортиқ турдаги маҳсулотлари билан қатнашишди. Тадбир давомида қарийб 10 миллиард сўмлик савдо шартномалари имзоланди.**

**• Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида «Мусиқий таълимнинг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

**• Йил бошидан буён Қорақалпоқ акциядорлик-тижорат «Микрокредитбанк»нинг кредитлари ҳисобига 1600 та иш ўринлари яратилди. Мазкур банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 2,1 миллиард сўмликдан ортиқ кредитлар ажратилди.**

**• Халқ таълими вазирлиги қошидаги Республика Ўқувчилар саройида «The Big Wild Read» (Энг кўп ўқиш) мусобақаси ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

**• Бугун Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси сув саройида синхрон сузиш бўйича VIII «Сув париси» очиқ халқаро турнири бошланди. Мусобақа доирасида шунингдек, иккинчи «Гимнастрада» фестивали ҳам ўтказилади.**

**• Бўстонлиқ туман ҳокимлиги томонидан беш нафар имкониятлари чекланган ногирон болаларга биттадан «Pentium-4» русумли замонавий компьютерлар совға қилинди. Шунингдек, компьютердан фойдаланишда ва мактаб таълими сабоқларини ўзлаштиришда кўмаклашиш учун бу ёшларнинг ҳар бирига алоҳида мураббий бириктириб қўйилди.**

**• Жиззах вилояти Адлия бошқармаси Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзиш органлари ходимлари ўртасида «Йилнинг энг яхши иш юритувчиси» кўрик-танловини ташкил этди.**

**•Бухорода бир минг икки юз нафардан ортиқ истеъдодли санъат усталарини бирлаштирган Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмасининг умумий йиғилиши ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Россияда президентлик кампанияси бошланди. Эндиликда 16 январга қадар номзодлар 2 миллионтадан овоз йиғишлари керак бўлади.**

**• Кеча АҚШнинг Анаполис шаҳрида Яқин Шарқ муаммолари бўйича ўтказилган саммитда Исроил ва Фаластин бундан етти йил олдин илк бор уюштирилган ўзаро бевосита музокараларни тиклашга келишиб олди. 12 декабрдан бошлаб ҳар ҳафтада келгусида Фаластин мустақил давлатини ташкил этиш мақсадида иккала давлат ўртасида музокаралар ўтказиб борилади.**

**• Франция пойтахти Париж шаҳри атрофида юзага келган полиция ва ёшлар ўртасидаги тўқнашувларга барҳам бериш мақсадида мамлакат Президенти Николья Саркози Хитойга қилган расмий сафарини тўхтатиб, юртига қайтишга мажбур бўлди. У халққа мурожаат қилар экан, ҳаммани тинчлик ва осойишталикка чақирди.**

**• Австриянинг курорт шаҳри Баденда қайта бошланган Белград ва Приштин ўртасидаги музокараларнинг якуний босқичи доирасида Косовонинг келажакдаги мавқеи юзасидан музокаралар Россия, Европа Иттифоқи ҳамда АҚШ вакилларидан иборат Алоқа гуруҳи воситачилигида ёпиқ тарзда ўтказилмоқда.**

**• Боливия Конституциясининг янги лойиҳаси таъсис мажлиси томонидан маъқулланди. Асосий Қонуннинг матнини қайта ишлаб чиқиш мамлакат Президенти Эво Моралеснинг ташаббуси билан амалга оширилди.**

**• Россия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея ҳамда Япониянинг дипломатлари ва атом энергетикаси бўйича мутахассисларидан иборат делегация Йонбенда жойлашган илмий-тадқиқот марказидаги ядро объектлари ишини тўхтатиш жараёнини текшириш мақсадида белгиланган сафар юзасидан Шимолий Кореяга етиб келди.**

**• АҚШнинг Калифорния штати Малибу шаҳрида рўй берган ёнғин давомида 400 гектар майдондаги ўрмон ёниб битди. 10 мингдан зиёд киши хавфсиз жойларга кўчирилди. Ёнғин пайтида ҳудуддаги 50 дан ортиқ ҳашаматли уйлар ҳам куйиб, кул бўлди.**

**• Японияда келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб ўқ отиш қуролларидан ноқонуний фойдаланганлик учун бериладиган жазони кучайтириш кўзда тутилган қонун қабул қилинади. Ҳозирги вақтда ноқонуний қурол сақлаган шахс уч йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Янги қонунга кўра, бу муддат беш йилгача кўпаяди ва ноқонуний қурол сақлаган шахс 30 миллион йен (280 минг долларга яқин) жарима ҳам тўлайди.**

## Қисқа сатрларда

• **КЕЧАДАН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан профессор-ўқитувчиларни жисмоний тарбия ва спортга кўпроқ жалб этиш мақсадида ташкиллаштирилган кичик футбол, «оилавий мусобақа», стол тенниси, стритбол ҳамда «Алпомиш ва Барчиной» мусобақалари бошланди. Ғолиблар 30 ноябрда тақдирланади.

• **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги «Исломобод» маҳалла гузарида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида «Конституция — адолат мезони» мавзуида тадбир уюштирилди.

• **ШАҲРИМИЗДА** ҳуқуқшунослар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган тадбир Фуқаролик кодексининг аҳамиятига бағишланди.

• **АБУ** Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ёшлар ўртасида ташкил этилган «Келажак овози» кўрик-танловининг фан-техника йўналиши бўйича республика ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

• **ЯККАСАРОЙ** туманидаги «Туркистон» маҳалласида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирокида маҳалла тизимини янада ривожлантиришнинг истиқболларига бағишланган тадбир ўтказилди.

• **КЕЧА** Ҳазрати Имом мажмуасида «Муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш» мавзуида уюштирилган тадбирда Сергели туманидан ташриф буюрган маҳаллалар фаоллари иштирок этишди.

• **ҲАМЗА** туманидаги Ҳамза маҳалласида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирокида ўтказилган давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРМОҚДА

**ПОЙТАХТДА "НОН ВА НОН МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР" МАВЗУИДА ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.**

Унда тегишли вазирлик вакиллари, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, муҳандислар ҳамда хусусий тадбиркорлар иштирок этди. Шунингдек, семинарда нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган замонавий технологиялар соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар тадбиркорлар эътиборига ҳавола қилинди.

Семинар замонавий технологиялар, улардан самарали фойдаланиш йўллари тўғрисида маълумот берилди.

Бундан ташқари, кўргазмада "Авко" масъулияти чекланган жамият томонидан саккиз-ўн хилдаги нон маҳсулотлари намойиш этилди. Россиянинг етакчи компанияларидан бири "Восход" фирмасининг нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлашда қулай ва арзон жиҳозлари иштирокчилар эътиборини тортди, десак хато бўлмайди.

Тадбир ташкилотчиларининг таъкидлашича, мазкур кўргазмали семинар тўрт кун давомида Тошкент, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ўтказилиши режалаштирилган. Мазкур кўргазма кенг жамоатчиликка ҳамда хусусий тадбиркорларга нафақат технологиялар борасидаги муваффақиятлар билан танишиш, балки мутахассислар билан бевосита тажриба алмашиш имконини ҳам яратиб берди.

Дарҳақиқат, бундай кўргазмалар юртимизда нон ва қандолат маҳсулотлари турини янада кўпайтириш ҳамда халқаро ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 2007 йил 30 ноябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 29 ноябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

# ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ: истиқбол ва режалар

*Ширкат-ибрат*

## ЭЗГУ НИЯТЛАР ҲАМРОҲ

**КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРНИНГ ЎЗИГА ЯРАША МУАММОЛАРИ БОРКИ, БУ АЛБАТТА ЯККА ТАРТИБДАГИ УЙЛАРДАН АНЧАГИНА ФАРҚ ҚИЛАДИ. ЧУНКИ УЛАРДА КЎПГИНА МАСАЛАЛАР БАРЧА ХОНАДОН ЭГАЛАРИ БИЛАН ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ, ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР, АЛБАТТА ИНОБАТГА ОЛИНАДИ. ШУНИНГ БАРОБАРИДА БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТ УМУМИЙ МУЛКНИ АСРАШДА, САҚЛАШДА, КЎП ҚАВАТЛИ БИНО КЎРКИ ВА ЁН- АТРОФИ ОБОДОНЧИЛИГИДА ЯҚҚОЛ АКС ЭТАДИ.**

Биз ташриф буюрган Сергели тумани, «Гулистон» маҳалласидаги «Гулзор-сервис» хусусий уй жой мулкдорлари ширкатига бирлашган кўп қаватли уйлар ҳам ана шундай бинолар қаторида бўлиб, бугунги кунда уларнинг жамоли, яшовчиларга яратилаётган қулайликлар, орасталигу покизалик жой мулкдорлари онгидаги ўзгаришдан, бамаслаҳат олиб борилаётган ибратли юмушлар самарасидан дарак бериб турибди. Уйларнинг нафақат ертўла ва йўлаклари, балки ташқи кўринишига ҳам катта эътибор қаратилаётганлиги фасади ўзгача қиёфа касб этган 30- ва 37-уйларда яққол кўриниб турибди. Ҳовлилари, болалар майдончалари ораста, фаррошлар ҳар кунгидек ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишганлиги йўлак ва бинолар ён-атрофлари тозалигида акс этган.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Зайтуна Сафинани ходимларига топшириқ бераётган пайтда учратдик. У эндигина иш кийимларини кийиб, ширкат тасарруфидаги уйларни айланиб чиқишга отланаётган экан.

—Жуда вақтида келибмизда,— дедик у билан саломлашгач.

—Худди шундай,—деди Зайтуна Сафина жилмайиб.—Агарда сал кечиксангиз, мени уйма-уй қидириб юрардингиз. Чунки ҳар куни ходимларимга топшириқ бергач, уларнинг назорати билан ўзим шуғулланаман. Шунинг баробарида аҳоли билан гаплашаман, айрим камчиликларни аниқлаб, бартараф этиш чораларини кўраман.

—Зайтунахон масъулиятини икки карра ҳис этиб меҳнат қиладиганлар қаторига киради, —деб суҳбатимизга қўшилди «Гулистон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Жўра Осмонов. —Шу боис ҳам Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра мукофатланганлар орасида унинг ҳам «Шуҳрат» медалига сазовор бўлганлиги бутун маҳалламиз аҳлини шод қилди. Негаки у бу мукофотга энг муносиблардан саналади. Зайтуна 10 йилдан буён шу соҳада фидойилик қилади, ҳали бирон ишга совуққонлик билан бепарво қараганини сезганимиз йўқ. Ҳамиша яшовчилар қувончи ва ташвишлари билан меҳнат қилади. Уни қай пайтда, — хоҳ кундузи, хоҳ кечаси безовта қилишмасин, ёрдамга шай туради.

Зайтуна Сафинанинг мутахассислиги муҳандис-иқтисодчи. Шу боис ҳам ҳар бир нарсанинг ҳисоб-китобига, самарасига катта эътибор қаратади. У ўз фаолиятини 1997 йилда ижара корхонасида усталикдан бошлаган бўлса, кейинчалик директор ўринбосари, илк ширкатлар ташкил топгандан буён эса ширкат раиси сифатида меҳнат қилмоқда.

—Ширкатимиз 2002 йилда ташкил топган,—дейди ширкат раиси.—Кейинчалик ундаги уйлар сонини камайтириш, хизмат сифатини ошириш мақсадида 3 га бўлиндик. Ҳозирда бизнинг ширкатимиз 13 та турар-жой биносидан иборат бўлиб, ушбу 9 ва 5 қаватли уйлардаги 420 та хонадонда икки мингдан зиёд аҳоли яшайди. Мазкур уйларга, хонадон аҳолига 9 та ширкат ходими хизмат кўрсатади. Бундан англаш мумкинки, агарда яшовчилар билан ҳамжиҳатлик бўлмаса, уларнинг ишончи оқланмаса ширкат ходимлари муваффақиятларни таъминлай олмайди. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, биз тартиб-интизомни биринчи ўринга қўямиз, ободончиликка катта эътибор қаратамиз. Ҳар бир ишимизда туман ҳокимияти қўллаб-қувватлайди, керакли ёрдам ва кўрсатмаларини аямайди. Астойдил меҳнатларимиз эса ҳар йили туманда соҳа ривожи бўйича ўтказиладиган кўрик –танловларда эътироф этилади, Диплом ва совғалар соҳиби бўламиз. Буларнинг барчаси бизга куч-ғайрат бағишлайди.

Ширкат раиси ҳамроҳлигида уйларни айланар эканмиз, қилинган ишларга гувоҳ бўлдик: кириш йўлакларининг барчаси таъмирланиб, темир эшиклар ўрнатилган, бунёд этилган 5 та болалар майдончасида кичкинтойлар учун қулайликлар мужассам. Мавсум бошланиши биланоқ барча хонадонларга иссиқлик берилган. Ширкатда ҳар бир соҳа бўйича алоҳида буюртмалар дафтари тутилган бўлиб, бажарилган ишлар аниқ кўрсатилган. Шунингдек, фикр-мулоҳазалар дафтарига истаган ширкат аъзоси таклиф ва миннатдорчиликларини ёзиши мумкин.

Ширкатга қарашли 13 та уйнинг 9 таси тўла капитал таъмирдан чиқди ва кейинги йилларда қолган 4 тасини капитал таъмирлаш режаланмоқда. Ходимлар «Қиш ғамини ёзда е» нақлига тўла амал қилишгани боис ҳам ҳозирда деярли бирорта хонадондан шикоятлар





йўқ. Ширкат раиси ўзининг энг яқин ёрдамчилари бўлган ва ҳар бир ишда ёнида турган 27-уй бошлиғи Надежда Покамена, 28-уй бошлиғи Татьяна Починина, 38-уй бошлиғи Дилфуза Шодмонова, йўлак боши Феруза Маннопова, ҳисобчи Азиза Турумбетова, чилангар Бахтиёр Эгамқулов, фаррош Мамлакат Турсоноваларнинг меҳанатини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу ўринда 27-ва 28-уй бошлиқларининг туман ҳокими томонидан алоҳида рағбатлантирилганини ҳам айтиш лозим.

Бажарилаётган ишларнинг ҳаммаси аҳоли учун кўзгу. Шу боис ҳам улар ширкатга ишонишади, тўловларни вақтида тўлашга одатланиб боришмоқда. Чунки маблағ ўзларининг яхши яшашлари, қулайликдан баҳраманд бўлишлари учун сарфланаётганини яққол кўриб туришибди.

—Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам битта тилдан чиқади, — дейди ширкат раиси. —Худди шунингдек, инсон қўллари ҳам яхши ҳамда ёмон ишларни бажара олади. Лекин ана шу тилимиздан яхши сўз чиққанига, қўлларимиз фойдали юмушларни бажарганига нима етсин. Уйларни айланар эканман, яшовчиларнинг биргина «Раҳмат» дея миннатдорчилик билдиришлари чарчоғимни ёзади, кўнглимни кўтаради. Демак улар билишади, кўришяпти, яхши яшашяпти. Бундан қувонмай бўладими. Сўз бердингми, уни бажариш шарт. Ана шунда одамларнинг сенга ишончи ортиб бораверади. Бунинг учун эса ишлаш керак. Мана бугун ёзда қилган пухта меҳнатларимиз самарасидан барча баҳраманд. Хуллас, муаммоларни изланиб, имкон топиб, биргаликда ечамиз.

Ширкатнинг режалари жуда бисёр. Асосийси эса улар хизмат кўрсатаётган уйлар пойтахтимиздаги энг намунали уйлар қаторидан ўрин олишига эришишдир. Нима ҳам дердик. Мана шу эзгу ниятлари ҳамиша уларга ҳамроҳ бўлсин.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: ширкат фаолиятидан лавҳалар.**

**Азамат Аҳмедов олган суратлар**

*Истеъмолчилар ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида*

## МУАММОЛАР ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

**БАШАРИЯТ ТАРИХИНИНГ ҚАЙСИ ДАВРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТМАЙЛИК, УЛАРДА ОНГЛИ ИНСОНИЯТ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ ҚАРАТГАНЛИГИГА ГУВОҲ БЎЛИШ МУМКИН.**

Айни шу маънода республикамизда истиқлолнинг илк йилларданоқ масаланинг айни шу жиҳатларига эътибор қаратиб келинаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Қуйида эса, истеъмолчилар ҳуқуқларининг қай даражада муҳофаза этилаётгани, бу борада амалга оширилаётган ишларнинг айримлари билан танишасиз:

Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 73-уй, 112-хонадонда яшовчи фуқаролар Навоий ярмаркасида жойлашган хусусий тадбиркор Ж.Ҳакимовга қарашли «Гурундик» савдо дўконидан 1 миллион 108 минг сўмлик «LG» русумидаги совутгични харид қилишган. Гап шундаки, дўкон маъмуриятининг «ишбилармонлиги» туфайли истеъмолчига тақдим этилган касса чекида юқоридаги рақам эмас, балки 110 минг 800 сўмлик маблағ қайд этилган. Ўз-ўзидан аёнки, харид миқдоридаги битта «0» рақами номаълум сабабларга кўра «тушиб» қолган... Буям майлику-я, маъмурият совутгичнинг кафолат муддати кўрсатилган талонни ҳам бермаган. Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек орадан 7 ой ўтиб, совутгич буткул ишламай қолган. Ҳозирда тегишли ташкилотнинг аралашуви билан совутгич бепул таъмирланиб, 3 йиллик сифат кафолати билан таъминланган.

* * *

Чилонзор тумани, 9-даҳа, 36-уй, 27-хонадонда истиқомат қилувчи А.Васелеева Навоий ярмаркасидаги хусусий тадбиркор А.Абдулаҳатовга тегишли «Эркин ҳожи ота» савдо дўконидан «NOKIA-6300» русумидаги уяли телефон аппаратини 300.000 сўмга харид қилган. Лекин бир ҳафта ўтгач телефон аппарати буткул яроқсиз аҳволга келиб қолган. Ваколатли идора саъй-ҳаракатига кўра, А.Васелееванинг истеъмолчи сифатидаги талаби инобатга олиниб, сифатсиз аппарат янгисига алмаштириб берилган.

* * *

Шаҳримизнинг Ц-мавзеси, 2-уй, 105-хонадонда яшовчи В.Тропимов телефон тармоғидаги нуқсонлар юзасидан мурожаат этган. Унинг аризасида қайд этилишича, истеъмолчига тегишли телефон тармоғи 2007 йил 16 августидан бери ишламаган. В.Тропимов томонидан бир қанча мутасадди ташкилотларга қилинган мурожаатлар ҳам қумга синган сувдек бесамар кетган. Ҳозирда эса «Ўзтелеком» акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳар филиали, Чилонзор тумани телефон тармоғи корхонаси билан ҳамкорликда мазкур муаммо ижобий ҳал этилган ва истеъмолчига тегишли маблағ қайта ҳисоб-китоб қилиб берилган.

* * *

Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани, 17-даҳа, 51-уй, 49-хонадонда истиқомат қилувчи П.Панков Навоий ярмаркасидаги хусусий тадбиркор З.Маҳкамовга тегишли «Тефаль» савдо дўконидан «Панасоник» русумидаги мусиқий марказни 470.000 сўмга сотиб олган. Бироқ ўзининг сифат кафолатини оқлай олмаган мусиқий марказнинг яроқсиз маҳсулот эканлиги маълум бўлади. Мутасадди ташкилот вакиллари мазкур ҳолатни ўрганиб чиқиб, истеъмолчига тегишли маблағ эгасига қайтарилиши лозим деган қарорга келишди.

* * *

Ҳамза тумани, Ғалабанинг 40 йиллиги мавзеси, 2-даҳа, 5-уй, 42-хонадонда истиқомат қилувчи А.Бобохонов «Тоҳир-коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятидан норозилик билдириб, ариза билан мурожаат қилган. Унда баён этилишича, хонадон шахтасидаги канализация қувуридан 1 йилдан ортиқ вақт мобайнида оқава сувларнинг мунтазам оқиб туриши, авария ҳолати натижасида нохуш ҳидлар пайдо бўлган. Бундан ташқари ҳар хил ҳашаротлар кўпайиб, антисанитария, антигигиена ҳолатлари кузатила бошланган. Ҳозирда ушбу шикоят хатидаги барча эътирозлар ижобий ҳал этилган.

* * *

Шаҳримизнинг Лисунова кўчаси, 1-даҳа, 116-уй, 654-хонадонда истиқолмат қилувчи Н.Тожибоева Навоий ярмаркасидаги хусусий тадбиркор Б.Ашировга қарашли савдо дўконидан «Рослстар» русумидаги кир ювиш машинасини 333.000 сўмга харид қилган. Ҳозирда сифатсиз чиққан маҳсулотни сотиб олишга кетган маблағ истеъмолчига қайтариб берилди.

* * *

Шайхонтоҳур тумани, Жарариқ кўчаси, 6-уй, 48-хонадонда истиқомат қилувчи Т.Умиров Навоий ярмаркасидаги «Сезам плюс» савдо дўконидан 400.000 сўмлик «Чино» русумидаги совутгични харид қилган, аммо маҳсулот сифатсиз чиққани боис, пули қайтариб берилди. Бундан ташқари Т. Умиров «Беллажево» савдо дўконидан 545.000 сўмлик «LG» русумли музлатгични ҳам харид қилган. Лекин ушбу маҳсулот ҳам сифатсиз чиққани боис, бепул таъмирлаб берилган.

* * *

Ҳамза тумани, Чашма кўчаси, 15-уйда яшовчи В.Кан Е.Ғуломов кўчаси 38-уйда жойлашган телетаъмир устахонасига «LG» русумидаги 4.500.000 сўмлик уй кинотеатрини таъмирлаш учун топширган. Аммо устахона маъмурияти истеъмолчининг буюртмаси у ёқда турсин, ҳатто телевизорнинг ўзини қайтаришни «унутган». Ниҳоят уч ойлик сарсон-саргардонликдан сўнг телевизор ўз эгасига таъмирланган ҳолда топширилди.

* * *

Мирзо Улуғбек тумани, Қодиров кўчаси, 26-уй, 660-хонадонда истиқомат қилувчи Ш.Сувонова телефон тармоғидаги носозликлар юзасидан ариза билан мурожаат қилган. Ҳозирда «Ўзтелеком» акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар филиали, М. Улуғбек туман телефон тармоғи корхонаси билан ҳамкорликда мазкур муаммо ҳал этилиб, телефон тармоғидаги кабель алмаштирилган, янги рақам билан таъминланган.

* * *

Чилонзор туман, 2-даҳа, 25-уй, 30-хонадонда яшовчи И. Горохова «Учқудуқ» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятидаги камчиликлар юзасидан мурожаат қилган. Истеъмолчи аризасида баён этилганидек, унга тегишли иссиқ ва совуқ сув тармоғи сабабсиз ўчириб қўйилган. Тегишли ташкилот вакиллари саъй-ҳаракати билан истеъмолчи аризаси келиб тушган куниёқ бу муаммо ҳал этилди.

* * *

Юнусобод тумани, 2-даҳа, 30 уй, 105-хонадонда истиқомат қилувчи В.Киривошива Навоий ярмаркасидаги «Гефест» савдо дўконидан 420. 000 сўмлик «Свияга-404» русумидаги музлатгич харид қилган. Ҳозирда сифатсиз чиққан музлатгич янгисига алмаштириб берилган.

**Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида**

**Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлади**

*Ёнғин хавфсизлиги ойлиги*

## ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ХИЗМАТИГА ШАЙ

**БЕБАҲО БОЙЛИКЛАРИМИЗ ҚАТОРИДА ТАБИИЙ ГАЗНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР. ЧУНКИ УШБУ БЕМИННАТ ДАСТЁР — «ЗАНГОРИ ОЛОВ»ДАН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ КЎПЛАБ СОҲАЛАРИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИ, ТУРМУШИМИЗНИ ЭСА УСИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ МУШКУЛ. ПОЙТАХТИМИЗДАГИ КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСА ҲАМДА АҲОЛИГА УШБУ НЕЪМАТНИ МУНТАЗАМ ВА ХАВФ-ХАТАРСИЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШДА ШАҲРИМИЗДАГИ «ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» ФИЛИАЛИ ХОДИМЛАРИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИНИ ТАЪКИДЛАМОҚ ЖОИЗ.**

Шуни айтиш ўринлики, шаҳар газ тармоқлари ва жиҳозлари атроф-муҳитга юқори даражада хавф туғдирувчи объектлар саналади. Газ таъминоти тизими ва газдан фойдаланиш инсон ёки автоматик асбоблар томонидан назорат қилиб турилсагина, у ёқилғининг энг афзал ва қулай тури бўлиб ҳисобланади. Агарда газ таъминоти тизими қатъий назоратдан четда қолса, у бирданига хавф туғдириши, нохуш оқибатларга олиб келиши, инсонлар ҳаётига зомин бўлиши, моддий бойликларни бир зумда йўқ қилиб юбориши мумкин. Шу сабабли ҳам ҳар бир шаҳар газ хўжалиги ўз таркибида махсус хизмат ёки бўлинмага эга бўлади. Ушбу хизматнинг вазифаси эса кескин ҳолатларда газ қувурлари ва жиҳозлари яқинида турган инсонлар ва моддий бойликлар хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Ана шундай кечаю кундуз ўта масъулият билан фаолият кўрсатадиган хизматлар қаторида «Тошкентшаҳаргаз» филиалининг Марказий авария-диспетчерлик хизмати ходимлари меҳнатини алоҳида эътироф этиш лозим. Кечаю кундуз, дам олиш ва байрам кунларида ҳам фаолият кўрсатадиган ушбу хизмат ходимлари зиммаларидаги масъулиятни дилдан ҳис этишади. Шаҳар газ тармоқлари тизимларидаги авария ҳолатлари, носозликларнинг юзага келиши, газ сизиб чиқиши, ёнғин ҳолатлари ҳақидаги хабарлар диспетчерлик пультига тушади.

— Бизга келиб тушган ҳеч бир хабар эътиборсиз қолмайди, — дейди Авария-диспетчерлик хизмати бошлиғи Илҳом Исмоилов. —Навбатчи авария бригадаси тезкорлик билан ёрдамга отланади. Улар таъмирлаш бригадаси етиб келгунга қадар барча керакли юмушларни адо этишади. Тезкорлик билан аниқланган авария вазиятларида, яъни истеъмолчилардан буюртмалар қабул қилинган заҳоти шаҳар газ тармоқлари ва иншоотлари, турар жой бинолари, муассасалар ва коммунал маиший корхоналарда содир бўлган носозликлар, газ сизиб чиқиш ҳолатларини зудлик билан бартараф этиш чораларини кўрамиз, шаҳар газ таъминоти тармоқларидаги газ босимини бир маромда сақлаб турамиз. Айтиш жоизки, айниқса қишнинг совуқ кунларида истеъмолчиларнинг «зангори олов»га талаби ортади, бу газ тақсимлаш тармоқларидаги оғирликни ўз-ўзидан оширади. Шу боис ҳам ушбу мавсумда масъулиятимиз янада ортиб, кўпроқ меҳнат қилишга тўғри келади. Чунки буюртмалар сони ҳам кескин кўпайиб кетади.

Буюртма қабул қилингач, авария бригадаси узоғи билан 5 дақиқада хизматга шайланади. Зарурий асбоб-анжомлар, мосламалар, ашёлар ва алоқа воситалари билан жиҳозланган автомашиналар улар учун ажратилган. Шунингдек, туман газ хўжаликларининг авария-диспетчерлик хизмати ҳам ўз бригадаларига эга. Энг асосийси эса хизмат ходимларининг барчаси авария ҳолатларини бартараф этишда иштирок этар эканлар, аҳолига, истеъмолчиларга қулайлик яратаётганидан, нохуш оқибатларнинг олдини олиб, инсонлар ҳаётини сақлаб қолаётганидан, «зангори олов»нинг мунтазам ва хавф-хатарсиз кириб боришига ҳисса қўшаётганидан беҳад фахрланишади, сидқидилдан меҳнат қилишади.

— Ота-боболаримиз бежизга «Ўт балосидан, сув балосидан, бевақт фалокатлардан асрасин», дея дуо қилишмаган, — дейди «Тошкентшаҳаргаз» филиалининг хавфсизлик техникаси хизмати бошлиғи Иброҳим Сайдалиев. — Газдан хавфсиз фойдаланиш нафақат бизга, балки истеъмолчиларнинг масъулият ва ҳушёрлигига ҳам боғлиқ. Айни пайтда жамоамиз аҳли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 ноябрдаги фармойиши ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил 9 ноябрдаги қарорига асосан мамлакатимизда ўтказилаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»да фаол иштирок этмоқда, белгиланган вазифаларни уюшқоқликда бажармоқда. Ҳамкорликда жойларда ўтказилаётган учрашув, суҳбат ва рейдлар яхши самара бермоқда.

Албатта ёнғинни бартараф этгандан кўра унинг олдини олган афзалроқ. Шу боис ҳам ўз тинчлик ва хотиржамлигини хоҳлаб, ёмон оқибатларнинг келиб чиқишини истамаган ҳар бир истеъмолчи нафақат ушбу ойликда, балки ҳамиша газдан тўғри фойдаланиш қоидаларига амал қилмоғи лозим. Ностандарт газ асбобларидан фойдаланиш, газ асбобларини газ таъминоти тармоқларига ўзбошимчалик билан улаш, уланишда резина ичакларни ишлатиш ҳолатлари газдан бўғилиш, заҳарланиш, ёнғин ва портлаш каби бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Агар уларнинг оқибати инсон ҳаёти ниҳояси билан тугаса бу тузатиб бўлмас фожиадир. Шу боис ҳам газ асбобларини харид қилиш, ўрнатиш ва таъмирлаш масалалари бўйича тумангаз мутахассисларига мурожаат этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Газ асбобларини қаровсиз қолдириб беҳуда ишлатишга, исрофгарчилигига йўл қўйманг. Ҳар бир хонадон соҳиби иситиш печлари, сув иситиш қозонлари дудбўронлари, шамоллатиш йўлларининг созлигини назорат қилишни унутмаслиги керак.

Шу ўринда истеъмолчиларга эслатиб ўтишни лозим топдикки, агарда хонадонингизда, ертўла ёки йўлакларда газ ҳидини сезсангиз, зудлик билан тумангаз ёки Марказий авария диспетчерлик хизматига, яъни 04; 255-44-27; 255-44-29; 253-56-19; 253-56-31 рақамли телефонларга қўнғироқ қилишингиз мумкин. Бу билан сиз, албатта фалокатнинг олдини оласиз.

Ҳа, табиий газ — халқимизнинг бебаҳо бойлиги эканлигини дилдан ҳис этган ҳолда ундан тежамкорлик билан фойдаланиш, хавфсизлик қоидаларига амал қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**БАЪЗИДА КЕРАКЛИ-КЕРАКСИЗ КИЙИМ-КЕЧАКЛАРГА, ТУРЛИ РЎЗҒОР БУЮМЛАРИГА АЯМАЙ ПУЛ САРФЛАБ ЮБОРАМИЗ. ҲАТТОКИ ТЎЮ МАЪРАКАЛАРГА ҚИЛАЁТГАН ТУГУН-ТОҒОРАЛАРИМИЗГА ҲАМ ЎН-ЙИГИРМА МИНГЛАБ САРФЛАЙМИЗ. МАЙЛИ, ҲАР КИМ ЎЗ ҲАМЁНИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ХАРАЖАТ ҚИЛАДИ-ДА.**

*Тўловлар*

## ЎЗИНГИЗГА ҲАМ БОҒЛИҚ

Лекин шу ўринда «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар» деган нақлни ҳам унутмаслик лозимки, юқоридаги керак-нокерак нарсаларга аямай пул сарфлаётганлар, ўзларига, хонадонларига кўрсатилаётган коммунал хизматлар ҳақини бажаришни унутаётганликлари ёки пайсалга солаётганликлари ниҳоятда ачинарлидир. Айниқса, айрим бепарво ҳамшаҳарларимизнинг иссиқ сув ва иссиқлик қувватидан қарзлари ортиб бормоқдаки, бу шубҳасиз соҳа ходимларининг хизмат кўрсатишларида ҳам муаммоларни келтириб чиқаради. Негаки, носозликлар вақтида бартараф этилиши, сифатли хизматни ташкил этиш учун етарлича маблағ ҳам керак-да. Хизматдан фойдалансангизу ҳақини йиллаб тўламасангиз, албатта ҳам хизмат кўрсатувчига, ҳам қўни-қўшниларга зарар етказасиз-да. Чунки сиз қўшнингиз ҳисобига хизматдан баҳраманд бўляпсиз, бунинг устига тўловни бажармай носозликларнинг вақтида бартараф этилишига тўғаноқ ҳам бўлиб турибсиз.

Мана шундай қарздорлар номини эълон қилар эканмиз, уни ўқиб кўпчилик ҳайратга тушиши ҳам аниқ. Негаки, қарзлар рекорд даражага етиб улгурган. Биргина Сергели туманидаги ана шундай хонадон соҳиблари нафақат минг, балки миллион сўмлик қарзни елкаларига «ортиб», миқ этмай юрганига нима дейсиз.

Туманнинг «Сергели-3» мавзеси, 26-уй, 9-хонадонидан Б.Мусаев 1.128.900 сўм, «Қўйлиқ-7» мавзеси, 6-уй, 51-хонадондан Н.Файзулина 1.170.400 сўм, шу уйнинг 39-хонадонидан Қурбонов 1.143 800 сўм, 4-уй, 9-хонадондан Р.Тўлаганов 1.119.800 сўм, «Қўйлиқ-5» даҳаси, 17-уй, 139-хонадондан М.Сулайманова 1.113.100 сўм, 20-уй, 27-хонадондан Ф.Игамбердиева 1.041.500 сўм; «Сергели-7» даҳаси, 32-уй, 92-хонадондан Л.Мўминқулова 1.011.700 сўм, «Сергели-8» даҳаси, 71-уй, 46-хонадондан К.Мамаева 1.055.150 сўм, 79-уй, 54-уйдан М.Нажмутдинова 1.012.100 сўм иссиқлик ва иссиқ сув қарзини тўламаган ҳолда бамайлихотир юришибди. Ахир шунча қарзни узмай юриш уят эмасми?

Азал-азалдан тириклик манбаи, поклик рамзи бўлган сувни ота-боболаримиз улуғлашган, қадрига етишган. Лекин бугунги кунда ана шу азиз неъматни исроф қилгани етмаётгандай ишлатилган совуқ сув учун ҳақ тўламаётганлар ҳам анчагина. Улар орасида Миробод тумани «Госпиталь» даҳаси, 12-уй, 63-хонадонда яшовчи Н.Тўраев 137.300 сўм, шу уйнинг 9-хонадонидан Б.Шотурсунов 134.600 сўм, даҳадаги 8-уй, 74-хонадондан Б.Домоганов 102.700 сўм, Чилонзор тумани, «18-Чилонзор» мавзеси, 5-уй, 120-хонадондан М.Юлдашев 105520 сўм, шу уйнинг 37-хонадонидан К.Жарова 64.750 сўм, 10-уй, 34-хонадондан Р.Зиёев 75 минг сўм, 6-уй, 9-хонадондан Пузанова 62.450 сўм совуқ сув тўловидан қарздордирлар. Ушбу истеъмолчилар агарда уйларида бир кун ёки бирор соат совуқ сув бўлмаса нима бўлишини тасаввур қилиб кўришсинчи. Ана шунда мажбуриятлари эсига тушиб қолармиди?!

Шунингдек, «Махсустранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, хонадонларидан маиший чиқиндиларни кўчага олиб чиқиб ташлаб, унинг тўловига келганда парвойи палаклар, албатта шаҳримиз тозалиги ва ободлиги, ҳавоси мусаффолигини, ўзларининг соғлиғини ўйлашса бўларди. Собир Раҳимов тумани, Ниёзов кўчаси, 1-уй, 37-хонадондан Н.Қорабоев (50.500 сўм), 43-хонадондан С.Рўзиева (42 минг сўм) Шоший кўчаси, 24-уйдан К.Тўлаганов (48 минг сўм), Сағбон-Олча кўчаси, 15-уйдан Н.Отабоева (30.850 сўм), Яккасарой тумани Қушбеги кўчаси, 18-уй, 82-хонадондан Т.Муротов (28.500 сўм)лар ана шундай қарздорлар сирасидандир.

Қарзларини тўламай, бунинг устига хизмат сифатидан нолиётган истеъмолчилар, айниқса юқоридаги хонадон эгалари хизмат ҳақига яраша бўлишни, унинг сифати ўзларига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини унутишмаса фойдадан ҳоли бўлмасди. Ҳа, тўловларни вақтида бажаринг, мажбуриятингизни унутманг. Ана шунда ўзингизга ҳам, қўни-қўшнингизга ҳам қулайлик яратилишига ҳисса қўшган бўласиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Ҳамкорлик*

# ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ — ҲИНДИСТОНДА

**ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ, УЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОРАСИДА ҚАТОР ИЖОБИЙ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА.**

Маълумки, 2004-2005 йилларда Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида бўлиб ўтган тадбиркор аёллар халқаро конференциясида республикамизнинг ҳамма вилоятларидан қатнашган хотин-қизлар ўзларининг юқори сифатли маҳсулотлари билан барчанинг диққатига сазовор бўлган эдилар. Шунга кўра икки давлат аёлларининг ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик битими имзоланган. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасига Ҳиндистон тадбиркор аёллар Консорциуми раиси Шаши Сингх хат билан мурожаат қилиб, жорий йилнинг 14-22 ноябрь кунлари Нью-Дели шаҳрида халқаро тадбиркор аёллар конференцияси ва туризм, информацион технологиялар, миллий ҳунармандчилик, заргарлик,-қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, тери маҳсулотларидан тайёрланган либослар ярмаркаси ўтказилаётгани ҳамда ушбу халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикасидан вакиллар иштирок этишини таклиф этган эди. Шунга кўра ўзбекистонлик тадбиркор аёллар тикувчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, гиламчилик, тўқувчилик, нон ва нон маҳсулотлари, миллий ҳунармандчилик, заргарлик маҳсулотлари билан ушбу анжуманда иштирок этиб, ўзбек аёлларининг нечоғлик зукко ва ҳунарли, бир қўлида бешик, бир қўлида дунё тебратишдек улуғвор ишга камарбаста эканлигини намойиш этдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ш.Абдуллаева мазкур конференцияда Ўзбекистон аёллари, уларга ҳукуматимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, қонунларимизнинг хотин-қизлар ҳаётида тутган ўрни ва давлатимиз раҳбарининг уларга бўлган эътибор ва ғамхўрликлари ҳақида гапирди.

Аёллар халқаро конференциясининг қувонарли томони шундаки, Фарғона вилояти вакили, тадбиркор Матлубахон Исмоилова хорижлик ҳамкорлари, яъни Кашмир, Бангладеш, афғонистонлик тадбиркор аёллар учун ҳар йили 8 минг дона ўзбек дўппиларини етказиб беришга келишиб олди. Халқаро кўргазмада иштирок этган Англия, Швейцария, Белоруссия, Қувайт давлатларининг тадбиркор аёлларининг ўзбек тупроғида етиштирилган оддий қовоқдан тайёрланган бежирим рўзғорбоп маҳсулотларидан ҳайрати ошиб, ўзбек аёлларининг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги, нозик дид ва юксак истеъдод эгаси эканликлари билан дунё аҳлини лол қолдираётганликларини тан олдилар. Айтиш жоизки мамлакатимиз тадбиркор аёлларининг эришган ушбу ютуқлари янада кенгайиши шубҳасиздир. Зеро, ўзбек аёли ўз тадбиркорлиги билан юртда тинчлик ва хотиржамликни таъминлашга, жамият тараққиёти учун муносиб улуш қўшишга қодир эканликларини намоён этмоқда.

**Аброр МЕЛИБОЕВ,**
**«Ёш журналистлар» клуби аъзоси**

# ЁШЛАР КАМОЛОТИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

**МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАЧ, ОИЛА ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНИБ, БИР ҚАТОР МУҲИМ ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. АЙНИҚСА, ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШГА, ЁШ АВЛОДНИ ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ СОҒЛОМ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШГА, КЎП БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА ВА ЁЛҒИЗ ОНАЛАРГА, МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИГА, ЎРТА ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРИБ КЕЛИНМОҚДА.**

Бунинг биргина мисоли Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида Оила жамиятининг асосий бўғини, у жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб берилган. Демак, Республика фуқароларининг шахсий ва ижтимоий манфаатлари узвий мувофиқлашган оилани ҳимоя қилиш давлат аҳамиятига молик вазифалардан биридир.

Ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ишлардан маълум бўлдики, оиланинг мавқеи янада юксак поғонага кўтарилиб, унинг олдида давлат, жамият ҳамда фуқароларнинг жавобгар эканликлари давлат сиёсатига айланган. Бунинг учун эса мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳуқуқий тарғибот ишлари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилишига доир бир қатор амалий ишлар қилиниши белгилаб берилди. Унда маҳалла, мактаб, оила ҳамкорлиги муҳим ўрин тутиши қайд этилди. Қолаверса, ёшларни турли ғоявий оқимлар таъсирига кириб қолишдан, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга, майда безорилик, қоидабузарлик, қонунбузарлик, хуллас, бекорчи ёт фикрлардан асрашга доир учрашув, давра суҳбатлари ва бошқа доимий тадбирлар ўтказиб бориш зарурлиги назарда тутилди. Ана шу эзгуликни тарғиб этиш мақсадида шаҳримиздаги барча олий ва ўрта таълим муассасалари, мактаб, маҳалла ва жамоат идораларида мунтазам тадбирлар ўтказиляпти. Хусусан, ҳар бир туман ФҲДЁ бўлимлари ва Никоҳ уйлари қошида ташкил этилган «Ёш оила мактаби» машғулотларида ҳам турли соҳа мутахассислари иштирокида кенг қамровли тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, тадбирларда ота-оналар, мактаб, ўқув муассасалари мураббийлари томонидан фарзандларни, вояга етмаган болаларни назорат қилиш, уларнинг бекор қолмаслиги, бирор иш билан машғул бўлиши ҳамиша диққат марказимизда бўлишлиги таъкидланмоқда. Ёшлар орасида тарихий анъаналарга, урф-одатларга, қадриятларга ҳурмат туйғусини уйғотиш, улар онгида инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ғояларини шакллантиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан сўнгги йилларда ёш йигит-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш, уйда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, уларни иш билан таъминлашга оид муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад эса оилада ва жамиятда соғлом муҳит барқарорлигини таъминлашдир.

Ҳозирда шаҳар ва туман хокимликлари қошида меҳнат бўлимлари фаолият юритмоқда. Улар ҳар бир ёш фуқароларнинг ишга бўлган эҳтиёжини таъминлаш борасида мунтазам шуғулланмоқдалар. Қолаверса, юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар мавжуд. Улар ёшларни касб-ҳунар эгаллашлари, келажакда оила масъулиятини зиммаларига олишлари, оила таъминотига ўз ҳиссаларини қўшишлари учун замин яратаётганлиги қувонарли ҳол бўлмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёшларнинг таълим олишлари, меҳнат қилишлари ва ўзлари истаганча яшашлари учун барча тегишли шарт-шароитлар яратилган. Фақат биз ушбу яратилган имкониятлардан оқилона ва одилона фойдаланиб яхши ва фаровон турмуш кечира олсак бўлгани.

**Меҳринисо АТА-МИРЗАЕВА,**
**Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус**

# МОДА ВА ДИЗАЙН КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ!

**“ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ” ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН “ОСИЁ РАМЗИ” ВА “ДОМ СТИЛЯ” МОДЕЛЬЕРЛАР УЮШМАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН “STYLE.UZ” МОДА ВА ДИЗАЙН ҲАФТАЛИГИ ДОИРАСИДА “ЎЗЭКСПОМАРКАЗ”ДА МОДА ВА ДИЗАЙН КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.**

Унда мамлакатимиз дизайн студиялари, текстиль компаниялари, либослар галереялари, жумладан, “Дом стиля” модельерлар уюшмаси, “Vlad Zamonov” интерьер галереяси, ёшлар кийимлари йўналишида фаолият кўрсатувчи “Dress Code”, “Savage”, “Zero” каби савдо марказлари, мода ва тантаналар учун гул салонлари, “Седак трико”, “Текстиль импекс” каби компаниялар маҳсулотлари билан танишиш мумкин.

Кўргазманинг алоҳида қисми «Келажак овози» республика ёш истеъдодлар танловининг архитектура ва дизайн, тасвирий ва амалий санъат йўналишида изланаётган умидли иштирокчилари ижодига бағишланган. Бу ерда Салима Шомансурова, Нафосат Тўраева, Мадина Мухторова, Бобур Дадамуҳамедов каби ёш дизайнер, модельер, заргар ва рассомларнинг ижод намуналари намойиш этилмоқда.

Ритсуко Широхама хоним мазкур ҳафталикда ўзининг «Она сайёрага эҳтиром» мавзуидаги либослар тўплами билан иштирок этмоқда. Кунчиқар юрт дизайнерининг асарлари дунёнинг кўплаб давлатлари, жумладан Европа мамлакатларида яхши маълум.

— Бугун жаҳон мода йўналишида ва умуман аксарият модельерлар ижодида Шарқ мавзуига мурожаат этиш кучайгани кузатилмоқда, — дейди Р.Широхама. —Ҳафталикда ёш ўзбек дизайнерлари, либосчи-рассомлари томонидан тақдим этилган ижод намуналари ғоя ва мавзунинг янгилиги, ўзига хослиги билан ғоят қадрлидир.

— Мен 2006 йили ҳам Тошкентда ўтган мода ва дизайн ҳафталигида қатнашган эдим,— дейди чехиялик модельер-рассом Марцела Фойтикова.— Бу тадбирнинг ташкилий-бадиий жиҳатдан юксак савияда ўтказилаётгани, унда жаҳоннинг машҳур мода ижодкорлари билан бирга ўзбекистонлик ёш дизайнерлар ҳам бир саҳнада ўз либослар тўпламини намойиш этиши диққатга сазовордир. Бундай имконият яратилиши мамлакатингизда истеъдодли йигит-қизларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик юксак даражада эканлигидан далолатдир.

Пойтахтимизда «Azia» тасвирий санъат галереясининг очилиши маросими бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур галереяда тасвирий санъат соҳасидаги турли ижодий лойиҳаларни амалга ошириш, ижодкорларнинг янги ва илғор ғояларини қўллаб-қувватлаш, рангтасвир, видео-арт, фотография йўналишида ранг-баранг кўргазмалар ўтказиш кўзда тутилган.

Янги галереянинг дастлабки фаолияти мусаввир Дмитрий Охунбобоевнинг рангтасвир ва фотоасарлари намойиши билан бошланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# МУСИҚА ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИДА «МУСИҚИЙ ТАЪЛИМНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ» МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Мазкур анжуман Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан ташкил қилинди. Унда Тошкент давлат консерваторияси, мусиқа йўналишидаги касб-ҳунар коллежларидан ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Анжуманда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари мусиқа ва санъат мактабларида олиб борилаётган ишлар сарҳисоб қилинди. Мавжуд муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш йўллари муҳокама этилди.

Шунингдек, мусиқий таълим йўналишида қўлланмалар, янги адабиётлар яратиш, қолаверса, машғулотларни олиб боришда ахборот технологияларини жалб қилиш энг долзарб масалалардан бири эканлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, яхши куй-қўшиқ инсонни ҳамиша эзгулик сари етаклайди. Санъатда ўзига хос ажиб сеҳр мужассам. Шу боис, қўшиқ тинглаганда руҳиятда сокин бир енгилликни ҳис қилиш мумкин. Айниқса, миллий оҳангларни ҳақиқий санъат асарлари даражасига кўтарилишида мусиқа таълимининг ўрни беқиёсдир. Мазкур анжуман ҳам мусиқа оламига кириб келаётган ёшларни билим ва тажрибаларини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Одина хола билан ён қўшнимиз. Билмадим, ораларидан нима ўтган, лекин қайнона-келин ҳеч чиқиша олмайди. Уйларида кун ора жанжал. Икки томонни муросага келтиролмай қўни-қўшнилар безовта. Одина холаку бир нави, гапирсанг гапга кўнади. Бироқ келини бижилдоқ, ўз билганидан қолмайди. Бечора кампирни турткилагани турткилаган. Холанинг ўғли Қодиржон икки ўт орасида. Хотини деса онаси, онаси деса хотини.

Яқинда кечки пайт эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Набиралар бориб эшикни очишса рўпарада Одина хола кўз ёш тўкиб, мени сўроқлаб турганмиш.

Шу топда холанинг нима иши бор экан. Яна келини билан уришиб қолгандирда, деган хаёлда эшик томон юрдим.

— Сизни бемаврид безовта қилдим, Зийрак бобо, — деди у хижолат тортиб.

— Ҳечқиси йўқ. Остонада турмай ичкарига киринг, — дедим мен. Кейин сўрадим. — Тинчликми ўзи?

— Тинчликка тинчликкуя, лекин шу келиннинг дастидан ўлар бўлсам ўлиб бўлдим. Энди шу уйни тарк этиб катта ўғлим Икромжонникига кетмоқчиман.

—Ўғлингиз Қодиржон нима деяпти?

— Нима дерди, болам бечорада ҳам кўним йўқ. Ишлик одам. Бунинг устига уйдаги жанжаллар. Ҳаммасидан безор бўлган.

— Уйга кирайлик, бир пиёла чой ичиб суҳбатлашамиз.

— Қандоқ бўларкин, ўз дардим билан сизларни ҳам безовта қилиб юбордим.

Аёлим чиқиб холани қўярда қўймай уйга бошлади.

— Юринг, — деди у, — одам одамга ғанимат. Суҳбатлашсак ёзиласиз.

Ҳовлига кириб жойлашиб олгандан кейин Одина хола мақсадга ўтди.

— Сиз газетада ишлайсиз. Бизнинг оиламизда бўлаётган чиқишмовчиликлардан хабардорсиз. Шу ҳақда бор гапни оқизмай-томизмай, газетангизга ёзсангиз. Кўпчиликнинг оғзига тушиб шарманда бўлсак ҳам майли. Лекин бошқаларга бу ибрат бўлармикан дейманда. Қайнона-келин тотув бўлмагандан кейин уйда тинчлик ҳам, барака ҳам бўлмас экан.

— Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади, деган гап бежиз айтилмаганда.

— Ҳақ гапни айтдингиз. Ёзганда ҳам ҳақини ёзинг. Мени мақтаб, келинни ерга урманг. Аслида ҳамма айб менда.

— Вой овсин, нега ундай дейсиз. Сиз нима қилибсизки, айб сизда бўлсин, — гапга аёлим аралашди.

— Сиз мени яхши билмайсиз қўшнижон. Аслида биз оиламиз билан бу жойга қайнонам билан чиқишолмаганимиздан кўчиб келганмиз. Қилмиш-қидирмиш. Мана энди ўша савдолар ўзимнинг бошимга тушиб турибди. Эшитинг, қайнонам раҳматли соддагина хотин эди. Менга ҳеч ёмон гапирмасди. Ўзим ҳам билмайман. Лекин мен негадир уни ҳеч чиқиштирмасдим. Ёшликнинг бебошликларими ёки бошқа бир сабабми, унинг кўнглига кўп озор берганман. Эримга бўлар-бўлмас гапларни айтиб, онасига уни ўчакиштирганман, охири айта-айта шу уйни сотиб олиб, қайнонамни ёлғизлатиб кўчиб келишга мажбур этган ҳам ўзим. Қайнонамни бориб кўриш у ёқда турсин, ҳатто бу уйга ҳам йўлаттирмадим. Бир-икки бор ўғлини, набираларини кўргани келганда турли найранглар билан эртасига уйига жўнатиб юбордим. Мен аҳмоқ бўлмасам у ҳаётлигида эмас, вафот этганидан кейин келинлик уйимга қадам босиб борармидим. Оғир ётган кезларида неча марта айттириб юборди. Бормадим. Ҳатто ўлимидан олдин рози-ризолик тилашолмай қолдик. Мана энди унга берган азобларимни келинимдан кўряпман, ўргилай. Катта ўғлим Икромжон ўша ҳовлида туради. Қайнонам дафн этилган мозористон ҳам шундоқ ҳовлининг орқасида. Набираларимга айтсам бувисининг қабрини топиб беришар. Унинг қабри устига тиз чўкиб барча қилмишларим учун қайнонамдан кечирим сўрамоқчиман.

Хола гапиряптию, менинг кўз ўнгимда келини олдида титраб-қақшаб турган оппоқ сочли нуроний онахон гавдаланяпти. Унинг асабдан пирпираб турган лаблари бир оғиз сўз айтишдан ожиз. Кўзларидан оқаётган шашқатор ёшлар кампирнинг юз-бетини ювади. Ожиз, нотавон онахон шаддод келин олдида ёш боладек ер чизади.

—Айтинг, Зийрак бобо, сиз кўпни кўрган инсонсиз. Қайнонамнинг қабри устида кечирим сўрасам ижобатга ўтармикан?

Одина холанинг шу сўзидан сергак тортдим. Афсуски унга ўликлар кечирмайди, деган сўзни айтишдан тилим лол эди.

## ТЎЙ ЯХШИ, ЛЕКИН...

Тўй яхши. Лекин кетидан чиққан ғавғоси ёмон. Салим ака буни кейин тушунди. Тушундию тилини тишлади. Ўртаҳол бу инсон, ёлғиз қизини данғиллама тўй қилиб, эрга беришни ният қилди. Шундай бўлди ҳам, унинг орзусидаги таърифи етти маҳаллага етадиган тўй бўлди. Қуда чақириқ тезлашиб, тўйдан бир ҳафта ўтар-ўтмай яна Салим аканинг уйида катта тантана бўлди. Одамлар оғзига тушган қуда чақириқнинг эртасига нохушлик рўй берди. Чақириқда қуда томондан келганлардан бири тўн киймай қолибди. Бунинг устига кийдирилган тўнларнинг ҳам бичими келишмаган, сифатсиз эмиш.

Ношукр банда. Қарангки, келин томон қудалардан 18 кишига тўн кийдириб, қолганларига биттадан кўйлак тарқатиб ҳам қутулмабди. Эртасига куёвнинг онаси қизнинг онасига сим қоқиб:

— Ҳай, ўргилай қудажон, бу қанақаси, сиз билан тўй тўйдек бўлсин деб келишмаганмидик. Охиригача чидаб берингда энди. Кеча кийдирган тўнларингизнинг сифати паст. Бунинг устига пахтаси ашапарак, кичкина экан. Кўпчиликка тўғри келмабди. Бу ҳам майли-я, биттагина акамнинг кенжатой ўғли тўн киймай бегоналардек ипирисқи кўйлак кўтариб келди-я. Олиб келиб менга улоқтирди у кўйлак сабилни. Сизнинг ўрнингизга мен унинг устига кимхоб тўн ёпиб аранг қутулдим. Шунча тўнга кучиз етган яна биттага қолганда зиқналик қилмасангиз нима қиларди. Тўн ўлсин, одамдан азиз бўлмай. Ахир сизга олдиндан тўн киядиганларнинг рўйхатини бериб юборгандик-ку. Қўни-қўшнилар, қариндошларим олдида бирам изза бўлдим, қўяверасиз. Топган қудангиз шуми, қурумсоқ бўлмай ўлсин, деган гапни тўғри юзимга айтишмаса ҳам юз-кўзларидан шундоққина уқиб олдим.

Майли энди бўлар иш бўлди. Бу ёғига кўзингизни катта очинг. Эрта-инди биз ҳам чақириқ қилганда бу айбингизни ювиб сарпа-суруқни каттароқ қилиб келарсиз. Ўғлимга манаман деган шаҳардаги гўзаллар тегаман деб, сочини тараб турганда боласи тушмагур сизнинг қизингизни ёқтириб қолди-да. Болагинамнинг миниб юрган «Нексия»си анча эскириб қолган. Шундоқ куёвга қайнотаси битта янгисидан совға қилса арзимабдими? Ахир одамлар куёвига дала ҳовлиси билан уй совға қилишаётганда битта машина нима бўлибди. Куёвни пайғамбарлар ҳам сийлашган деган гап бежиз айтилмаган-да.

Қудачилик минг йилчилик. Хуллас бу гапни мен сизга айтмадим, сиз эшитмадингиз. Ўзингиз билиб-билиб, ҳимматингиз билан қилаверасизда энди совға-саломни.

Янги қудадан миннатдорчилик эшитаман деб ўтирган қизнинг онаси бу гаплардан ҳайрону лол бўлиб қолди. Рангу рўйи ўчиб ўтирган хотинининг аҳволини кўрган эр, унинг оғзидан бу машмашаларни эшитиб, қаттиқ асабийлашди. Орзуимдаги тўй қилдим, деб ўтирган одамга бу гап ёмон таъсир қилди.

Эртасига тонг саҳарда Салим аканинг эшиги олдида қўшнилар «тез ёрдам» машинасини кўриб ҳайрон бўлишди. Шу тариқа не-не ниятлар билан топганини тўйга сарф қилиб ном чиқарган, ўзини бошқаларга кўрсатишга чираниб, қарзга ботган Салим ака юрак хуружи билан касалхонага тушиб қолди. Кўрпага қараб оёқ узатмай, манмансираб, тўй қилган оиланинг аҳволи вой бўлди.

Донолар фотиҳага қўл очганларида кўпинча топганинг яхши тўйларга буюрсин, деб дуо қилишади. Бу дегани борингни тўкиб тўй қил, етмаса бировдан қарз ол дегани эмас, балки бу фарзандингнинг тахтини эмас, бахтини ўйлаб тўй қил, яхши кунларга деб топганингни билиб-билиб харж қил, шундай бўлсинки, бу тўйдан икки томон ҳам азият чекмасин дегани. Ана шундагина ўртада гина-кудурат бўлмайди. Янги оила бахтли турмуш кечиради. Афсуски, бойлик, қимматбаҳо сарпо-суруқларга учиб тўй қиладиган, қилаётган айрим кимсалар нафақат ўзларининг, балки фарзандларининг ҳам бахтига зомин бўлаётганларини кўриб-билиб турибмиз. Сўнгги пушаймондан эса фойда йўқ.

# Сўранг, жавоб берамиз

**Ҳурматли таҳририят! «Сўранг, жавоб берамиз» рукнида бериб бориладиган мақолаларни қизиқиш билан ўқиб бораман. Ушбу рукн орқали ўзимни қизиқтирган қуйидаги саволларга жавоб беришингизни илтимос қиламан, дея мактуб йўллади Бектемир туманида истиқомат қилувчи Маърифат Сатторова.**

**Контрактация шартномаси мавзусига бағишланган саволларга Ҳамза туманидаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идораси нотариуси (ҳуқуқшунос) Ҳусан КАЗАКБОЕВ жавоб беради.**

— **Контрактация шартномаси нима?**

— Контрактация шартномаси қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан, фермер, деҳқон хўжаликлари билан маҳсулот харид қилувчи (тайёрлов, савдо, маҳсулотни қайта ишловчи) ўртасида тузиладиган ҳуқуқий ҳужжатдир.

— **Контрактация шартномаси қанча муддатга тузилади?**

— Контрактация шартномаси хўжалик ва тайёрловчининг ўзаро келишувига кўра бир йилдан беш йилгача бўлган муддатда тузилиши мумкин.

— **Уни тузиш қай тартибда амалга оширилади?**

— Одатда ҳар қандай шартнома, шу жумладан, контрактация шартномаси ҳам, қоида тариқасида тарафлардан бирининг шартнома тузиш ҳақидаги таклифини йўллаши ва иккинчи томон бу таклифни қабул қилиши йўли билан тузилади. Бундай шартномалар бевосита хўжаликда тузилади. Яъни тайёрловчи ўзининг ваколатли вакилини хўжаликка юборади. Хўжалик раҳбари томонлар имзо чеккан шартномани 3 кун муддат ичида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг туманлардаги маҳсулот тайёрлаш сифати бўйича давлат инспекциясига рўйхатга олиш учун тақдим этади. Шунингдек, тайёрловчи контрактация шартномаси лойиҳасини хўжаликларга (агар улар турли вилоятларда бўлсалар ҳамда шартнома тузишга рози бўлсалар) почта орқали ҳам юбориши мумкин. Хўжалик раҳбари 7 кун мобайнида шартномани имзолаши ва уни тайёрловчига қайтариши мумкин.

— **Контрактация шартномаси бўйича хўжаликка қандай мажбуриятлар юклатилади?**

— Ушбу шартнома бўйича хўжаликлар:

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчига (қабул қилувчига) шартномада назарда тутилган маҳсулотлар турларини тегишли сифат ҳолатида ва муддатларда сотиш:

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчининг бевосита хўжаликдаги топшириш, қабул қилиш пунктига ўз вақтида тайёрлаб бериш ёки уни келишилган жадвал бўйича тайёрловчининг қабул қилиш пунктларига олиб келиш:

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини топшириш — қабул қилиш бўйича барча ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ва маҳсулот топширишга қўйиладиган бошқа талабларга риоя қилиш мажбуриятларини бажаришлари лозим бўлади.

— **Тайёрловчининг мажбуриятлари нималардан иборат?**

— Контрактация шартномаси бўйича тайёрловчилар қуйидаги мажбуриятларни бажарадилар:

— тақдим этилган барча маҳсулотни шартномада назарда тутилган муддатда харид қилишлари ва узлуксиз равишда қабул қилиб олишни таъминлашни ташкил этиш:

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотини бевосита хўжаликнинг ўзида қабул қилиб олишни ҳамда ўзининг транспорт воситаси билан келишилган жадвал бўйича ташиш:

— харид қилинаётган маҳсулотнинг сифатини аниқлаш, маҳсулот учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш:

— тайёрланадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, тайёрлаш, транспортда ташиш ва дастлабки қайта ишлашда унинг нобуд бўлишини мумкин қадар қисқартириш:

— хўжаликларни шартнома асосида идиш, ўраш, материаллари ва меъёрий техник ҳужжатлар билан таъминлаш:

— маҳсулот, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳар бир турини етиштиришнинг ўзига хослигига мувофиқ муддатларда сотилганда маҳсулотларнинг шартномада назарда тутилган қийматининг ҳамда 25 фоизи (доннинг 40 фоизи)дан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида аванс тўлаш.

— **Маҳсулотни юклаш (ортиш) харажатлари ким томонидан тўланади?**

— Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини юклаш харажатлари хўжалик томонидан амалга оширилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш, жўнатиш ва тушириш бўйича харажатлар тайёрловчи зиммасида бўлади.

— **Томонлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар қандай тартибда амалга оширилади?**

— Белгиланадиган тартиб-қоидаларга асосан хўжаликлар ва тайёрловчилар ўртасидаги ҳисоб-китоблар тайёрловчи томонидан хўжалик топширган маҳсулот қийматини унинг шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб, махсус ҳисоб-китоб ёки махсус ссуда счётига ўтказиш, чеклар билан тўлаш орқали амалга оширилади.

**Ҳисоб-китоблар қанча муддатда амалга оширилади?**

Қоидага кўра, маҳсулот қабул қилиб олинганидан сўнг ҳисоб-китоблар уч календарь кунидан кечиктирилмай амалга оширилиши лозим. Агарда тайёрловчи ёки унга хизмат кўрсатувчи банк муассасаси турли жойларда жойлашган бўлса, бундай ҳолларда ҳисоб-китоблар маҳсулот қабул қилиб олинганидан сўнг беш кундан кечиктирилмай амалга оширилиши керак.

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

**Вафосиз дунёга дил берма зинҳор,
Ҳеч кимга дўст бўлмас чархи
кажрафтор.
Ўлади шубҳасиз яхши ҳам ёмон,
Бахтлидир яхши ном қолдирган инсон.**

* * *

**Тириксан, гўрингга гуллар экиб қол,
Кейин қўзғалмоққа қолмагай мажол.
Даврон офтобу умр худди қор,
Тириксан, мағрурлик қилмагин зинҳор.**

* * *

**Пулинг йўқ, бозорда нима қиласан?
Қўрқаман, саллангдан ажраб келасан...**

* * *

**Кимки ўз ҳосилин хом еб тугатар,
Куз куни хирмондан машоқлар терар.**

* * *

**Бу кун сўзламоққа сенда имкон бор,
Ҳар қанча яхши сўз топсанг, айтиб қол.
Эртага ажалнинг элчиси келгач,
Тилинг қимирлашга топмагай мажол.**

* * *

**Агарчи билимдонлар
ҳузурида жим туриш –
Одобдир. Аммо, пайти келганида
сўзлаб қол.
Икки ҳол аҳлсизлик:
гап келганда гапирмай,
Зарур чоғда жим турмай,
бўлиб кетиш сўзамол.**

* * *

**Дунёни хўб кўрган, сўз устаси чол
Сўзлашдан илгари аниқлар аҳвол.
Озгинга келганин валақлаб берма,
Кейинроқ сўзларсан, бундан ғам ема.**

* * *

**Ўйлаб кўр, оғзингдан чиқаркан нафас,
Токи демасинлар: «Қил гапингни бас!»
Тил билан ҳайвондан ажралур инсон,
Бемаъни гапирган ҳайвондан ёмон.**

* * *

**Ночор қолган киши зўр берар тилга,
Мағлуб бўлган мушук ташланур итга.**

* * *

**Бу жаҳон ҳеч кимга қолмас, биродар,
Дилингни Тангрига топширсанг етар.
Таянч деб билмагил бу дунё молин,
Кўпларни ўстириб, берди заволин.
Жон берар экансан, фарқи йўқ сира:
Тахтда ўласанми, ё тупроқ узра.**

* * *

**Жаҳондан Ҳумо қуш йитиб кетса ҳам,
Бойқуш соясини истамас одам.**

* * *

**Ярим нони бўлган очиққўл киши
Ярмини гадойлар есин, деб ўйлар.
Бир иқлим эгаллаб тўймас подшоҳ,
Яна бир иқлимни олмоқчи бўлар.**

* * *

**Кўчат эндигина томир қўйган он,
Бир одам суғуриб олиши осон.
Вақт ўтиб, илдизин отганида-чи,
Кўпора олмайди бўронлар кучи!**

* * *

**Булутдан чин ҳаёт ёмғири ёғса,
Тол дарахт шохида мева пишмайди.
Уринма ёмонни яхши қилишга,
Бўйрабоп қамишдан шакар чиқмайди.**

* * *

**Бир куни Зол деди ўғли Рустамга:
"Душманни ўйлама кучсиз ва камтар.
Бир талай сув келиб кичик булоқдан,
Юкли туяни ҳам оқизиб кетар".**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

## Спорт янгиликлари

# ЁШ СПОРТЧИМИЗ ЮТУҒИ



**ГЕННАДИЙ МАРКЕЛОВ САККИЗ ЁШГА ҚАДАМ ҚЎЙГАН БЎЛИБ, МИРОБОД ТУМАНИДАГИ 57-МАКТАБНИНГ 2-СИНФИДА ЎҚИЙДИ.**

Ёш бўлишига қарамай Хитойнинг Шанхай шаҳрида имконияти чекланган болалар ўртасида ўтказилган махсус олимпия ўйинларида спорт гимнастикаси бўйича эркин машқларда олтин медални қўлга киритган бўлса, мусобақанинг бошқа машқларида тўртта кумуш ва битта бронза медалларининг соҳиби бўлди. Г.Маркеловнинг ушбу ютуғида албатта мураббий Константин Оллекининг хизмати каттадир.

Шахсий ҳисобда Геннадий россиялик гимнастдан сўнг иккинчи ўринни эгаллади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: ёш чемпион.**

**Алексей Попов олган сурат**

# АКРОБАТЛАР БЕЛЛАШДИ

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "ЁШЛИК" СПОРТ МАЖМУИДА АКРОБАТИКА БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН МУСОБАҚАДА ЭЛЛИК НАФАРДАН ЗИЁД СПОРТЧИ ҒОЛИБЛИК УЧУН ЎЗАРО КУЧ СИНАШДИ.**

Эркаклар ўртасидаги жуфтлик беллашувларида Сергей Каспарян ва Мурод Қулиевга етадигани топилмаган бўлса, хотин-қизлар баҳсида Мадина Набиева ҳамда Мухлиса Раззоқова дуэти шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Аралаш жуфтликлар ўртасида мусобақа олтин медали Акром Абдуллаев ва Ирина Хванга насиб этди.

Гуруҳ беллашувларида қатнашган Наргиза Қодирова, Евгения Строганова ҳамда Нозима Хожиакбарова хотин қизлар-баҳсида биринчи ўринга сазовор бўлди. Эркаклар ўртасида эса Умид Эшматов, Дилмурод Исроилов, Давлат Мерганов ва Зиёдулла Турғуновдан иборат гуруҳ ғолиб деб топилди.

# «АЛГОРИТМ» ЧЕМПИОН БЎЛАДИМИ?

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ СПОРТ МАЖМУИ ГАНДБОЛ БЎЙИЧА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ БИРИНЧИ ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛДИ.**

Биринчи турнинг марказий учрашуви рақибларини кетма-кет мағлубиятга учратиб, чемпионликка даъвогарлик қилаётган юртимизнинг энг кучли икки жамоаси — "Алгоритм" (Тошкент) ва "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" (Олмалиқ) гандболчилари ўртасида бўлди. Кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган баҳсда мамлакатимизнинг кўп карра чемпиони — "Алгоритм" жамоаси гандболчи қизларининг қўли баланд келди. Ўйинда 22:20 ҳисоби қайд этилди.

Пойтахтлик гандболчилар асосий рақиб — "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" жамоасидан ташқари, "Жиззах олимпия заҳиралари спорт коллежи" вакилларини ҳам 50:12 ҳисобида доғда қолдиришди.

Фақатгина пешқадамга имкониятни бой берган олмалиқликлар эса "Андижон олимпия заҳиралари спорт коллежи" жамоасини 44:18 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Урганч олимпия захиралари спорт коллежи" (Урганч) — "Наманган" (Наманган) —9:14, "Жиззах олимпия захиралари спорт коллежи" - "Баркамол" (Олмалиқ) —14:28, "Ўзбекистон Миллий университети" (Тошкент) - "Урганч олимпия захиралари спорт коллежи" — 24:11, Тошкент шаҳридаги 5-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (Тошкент) - "Урганч олимпия захиралари спорт коллежи" — 19:11.

Мусобақа жадвалида бешта учрашувни ўз фойдасига ҳал қилиб, ўн очко жамғарган "Алгоритм" чемпионатда мағлубиятга учрамаган ягона жамоа сифатида пешқадамлик қилмоқда. Олмалиқ шаҳри шарафини ҳимоя қилаётган икки жамоа — "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" ва "Баркамол" гандболчилари саккизтадан очко билан совринли ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.

Барча учрашувларда имкониятни бой берган "Урганч олимпия захиралари спорт коллежи" жамоаси эса сўнгги поғонада қайд этилган.

Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи тур учрашувлари ноябрь ойининг охирида Самарқанд шаҳрида ўтказилади.

# АЗИЗ ҲАЙДАРОВ КУЧЛИЛАР САФИДА

**МАЛАЙЗИЯНИНГ КУАЛА-ЛУМПУР ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ (ОФК) ТОМОНИДАН ОСИЁНИНГ 2007 ЙИЛДАГИ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИНИ АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТАНЛОВ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН НОМЗОДЛАР ТОБОРА САРАЛАНИБ БОРМОҚДА.**

ОФК мутасаддиларининг сентябрь ойида эълон қилган дастлабки рўйхатида айни пайтда энг кучли ҳисобланган қитъамизнинг ўттиз уч нафар футболчисининг номи зикр этилганди. Улар орасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, мамлакатимиз олимпия терма жамоаси сардори ва Тошкентнинг "Қурувчи" клуби ярим ҳимоячиси Азиз Ҳайдаровнинг исми-шарифи ҳам бор.

Танлов қоидасига кўра, рўйхатни тузишда футболчиларнинг Осиё чемпионати, Осиё чемпионлар лигаси, ОФК Кубоги ва Олимпиада ўйинларининг саралаш учрашувларидаги иштироки инобатга олинган. Яъни, ОФК шафеълигида ўтказилган ҳар бир расмий учрашувда ўз жамоасига энг кўп фойда келтирган футболчи аниқланиб, унга рейтинг очкоси берилади. Эълон қилинган рўйхатга эса ана шундай ўйинларда камида қирқ очко жамғарган футболчилар киритилган.

Октябрь ойида Осиёнинг энг яхши футболчисини аниқлаш учун ўтказилаётган танловнинг биринчи босқичи якунланиб, совринга даъвогарлик қилаётган номзодлар сони ўн бештагача қисқарди.

Қувонарли томони шундаки, Ўзбекистондан ягона номзод бўлган Азиз Ҳайдаров ҳам "Осиёнинг энг яхши футболчиси"га аталган совринга даъвогар бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон миллий чемпионатида тўп сураётган яна бир футболчи — Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси шарафини ҳимоя қилаётган тожикистонлик Акмал Холматовнинг номзоди эса биринчи босқичдан ўтолмади.

Умуман олганда, иккинчи босқичда Осиё футбол конфедерация рўйхатида Япониядан учта, Ироқ ва Эрондан иккитадан, Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт, Уммон, Саудия Арабистони, Австралия, Жанубий Корея ҳамда Таиланддан биттадан, жами ўн беш нафар футболчининг номзоди қолган.

«Осиёнинг энг яхши футболчиси» жорий йилнинг 28 ноябрь куни Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказиладиган тантанали маросимда эълон қилинади.

# СОВРИН ТОШКЕНТЛИКЛАРДА ҚОЛДИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА РЕГБИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲРИ КУБОГИ УЧУН ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ОЧИҚ МУСОБАҚАДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЖАМОАЛАРИ ҒОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШДИ.**

Бир даврали тизимда ўтказилган беллашувларда барча рақибларини мағлубиятга учратган Тошкентнинг "Глория" жамоаси 12 очко билан турнир ғолиби бўлди.

Иккинчи ўрин тўққиз очко жамғарган Қозоғистоннинг ""КазАТК" жамоасига насиб этган бўлса, пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилган "Спорт мактаб интернати" регбичилари саккиз очко билан учинчи ўринни эгаллади.

**Боҳир Е БЕК**

# РАҚИБЛАРИМИЗ — МАЪЛУМ

**ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК КУНИ КЕЧА МАЛАЙЗИЯ ПОЙТАХТИ КУАЛА-ЛУМПУР ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ ҚАРОРГОҲИДА 2010 ЙИЛДА ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИДА ЎТАДИГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИ ГУРУҲ БАҲСЛАРИГА УЮШТИРИЛГАН ҚУРЪА ТАШЛАШ МАРОСИМИДАН СЎНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИГА ҚАРШИ МАЙДОНГА ТУШАДИГАН РАҚИБЛАР НОМИ МАЪЛУМ БЎЛДИ.**

Қуръа натижаларига кўра Рауф Инилеев бош мураббийлигидаги терма жамоамиз «Д» гуруҳида Саудия Арабистони, Ливан, Сингапур чарм тўп усталари билан ғолиблик учун кураш олиб боради. Гуруҳ баҳслари уй-меҳмон тизимида ўтказилади. Гуруҳда биринчи, иккинчи ўринларни эгаллаган терма жамоалар жаҳон чемпионатининг саралаш турнири кейинги босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

# ТУРНИРГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

**МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ ДАВЛАТЛАРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТ ЎЙИНЛАРИ ЯКУНЛАНМАГАН БЎЛСАДА, ҲАР ЙИЛИ ЯНВАРЬ ОЙИДА УЮШТИРИЛАДИГАН МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ЧЕМПИОНЛАР КУБОГИГА ҚУРЪА ТАШЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Аввал хабар берилганидек, ушбу турнир келгуси йилда Москвада эмас, балки Санкт-Петербург шаҳридаги «Петербург» спорт мажмуаси ва «Зенит» спорт ўйинлари саройида 19-27 январь кунлари ўтказилади.

Қуръа натижаларига кўра мамлакатимиз чемпиони «Д» гуруҳида Беларусь, Украина ва Арманистон чемпионларига қарши ғолиблик учун кураш олиб боради.

Дарвоқе, ҳозирда МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари қатнашчиси ғолиби «Пахтакор» жамоаси яна Ўзбекистон XVI миллий чемпионатида биринчи ўринни қўлга киритишга ва мамлакат чемпиони бўлишга жуда яқин турибди.

Биз кўп минг сонли мухлислар номидан Ўзбекистон чемпионига январда Санкт-Петербург шаҳрида уюштириладиган МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги соҳиби бўлишини тилаб қоламиз.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

# ОГОҲ БЎЛИНГ

Мультфильмларни яхши кўрмайдиган бола бўлмаса керак. Олти яшарли Фарид ҳам шулар тоифасидан. Телевизорда севимли қаҳрамонларини кўрганда, дунёдаги барча нарсаларни унутиб, охири нима билан тугар экан, деб берилиб томоша қилар эди. Ўша мудҳиш куни, Фариднинг онаси бозорга бир зумда бориб келаман дея кетди ва қайта ўғлини тирик кўрмади. Қизиб кетган ток меъёрлагич ерга солинган линолеумнинг тутаб кетишига сабаб бўлди ва бу заҳарли тутун ёшгина Фариднинг умрига завол бўлди.

Ҳа, телевизор каттаю-кичикни ўзига тортади. Айниқса аёлларимиз кети тугамайдиган сериаллар мухлисидирлар. Чилонзор-5 даҳаси, 2-уй, 5-хонадонда истиқомат қилган Зинаида Карпова нафақага чиққанидан буён, телевизор унинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолди. Ҳатто ошхонада овқат тайёрласа ҳам унинг овозини баланд қилиб қўяр, «Жди меня» каби қизиқарли кўрсатувлар бўлса экран олдига ўтириб астойдил йиғлаб, бировларнинг ҳаётида кечаётган энг бахтли дақиқаларнинг гувоҳи бўлар эди. Бир куни кино кўриб ўтирган Зинаида беҳосдан ухлаб қолди. Қизиб кетган телевизордан қуюқ тутун чиқиб аста-секин ёна бошлади. Атрофига жойлашган тумбага, кейин палос ва пардаларга тезлик билан ўтиб кетди. Ойнадан чиқаётган тутунни кўрган қўшнилар дарҳол ёнғин ўчириш автоуловларини чақирдилар. Ўз ишларини моҳирона бажарадиган профессионал ва жасур йигитлар бир неча дақиқаларда оловни бартараф этдилар. Афсуски қаттиқ уйқуга кетган Зинаида Карпова тутундан димиқиб қолган ва уни қутқаришнинг ҳеч иложи бўлмади.

Ҳаётимиз мобайнида шундай ёнғинлар ҳам содир бўлиб туради. Лекин улар бизнинг бепарволигимиз оқибатидир. Энг ёмони, ушбу ёнғиндан инсон ҳаёти завол бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳар бир нарсани —хоҳ у электр асбоби бўлсин ёки газ ускунасими носоз ҳолатда ишлатиш ниҳоятда хавфлидир. Айниқса бир неча йиллардан буён кўплаб оилалар кўрадиган «Рубин», «Радуга», «Рекорд», «Горизонт» каби рангли ва оқ-қора тасвирли телевизорларда ёниш ҳоллари учраб турибди. Ушбу аппаратлар тез ёнувчи моддалардан иборат бўлиб, ёниш оқибатида ўзидан заҳарли модда чиқаради.

Ёнғин телевизорнинг электр токи босими кўпайиб кетиши натижасида келиб чиқади. Шунинг учун бундай русумли телевизорларни ток меъёрлагич орқали ишлатиш тавсия этилади. Унутманг, телевизорни ҳеч қачон нам латтада артиб бўлмайди. Ҳатто ҳаво орқали намланиб қолган «зангори экран» ҳам ёниб кетиши мумкин.

Телевизорни ишлатишдан аввал, китобчасини ўқиб чиқиш даркор. «Ёнғин хавфсизлиги қоидаси» пунктига алоҳида эътибор беринг. Унда кўрсатилган барча қоидаларга албатта, амал қилишга ҳаракат қилинг. Шунда сизнинг телевизорингиздан ҳеч қачон тутун чиқмайди.

**Ғайрат ДАМИНОВ,
Сергели тумани
ёнғиндан
муҳофаза қилувчи 5-ХЁХО
катта муҳандиси, капитан**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

***Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!***

*Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.*

*Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.*

*Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.*

Чилонзор туманида рўйхатга олинган «Миллий авиация спорт клуби» шўъба корхонасининг номланиши Миллий авиация спорт клуби унитар корхонасига ўзгартирилмоқда (ОКПО 05938076, ИНН 201099194).

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

**ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Аҳоли хонадонлари ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарида газ асбобларидан фойдаланишда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида

**ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:**

— Газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва қаровсиз қолдирманг;

— Иситиш ва сув иситиш асбобларини ёқишдан аввал дудбўронларнинг тортишини ва шамоллатиш йўлларининг созлигини текширинг;

— Эсингизда бўлсин, дудбўронларнинг тўлиб қолиши, печларда ёриқлар ҳосил бўлиши хонага ёнган газ маҳсулоти чиқиб заҳарланишга сабаб бўлиши мумкин;

— Иситиш печларини ёнғинга олиб келмаслиги учун узлуксиз ёқилишига, ёш болалар ва газдан фойдаланиш қоидаларини ўргатилмаган шахсларга газ асбобларидан фойдаланишларига йўл қўйманг;

— Газ асбобларини резина ичаклар билан уланиш, носоз дудбўронли ҳамда ностандарт газ асбобларидан фойдаланиш бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин.

— Газ асбобларини ўрнатиш ва таъмирлаш масалалари бўйича тумангаз мутахассисларига мурожаат қилинг;

— Агарда газ ҳидини сезиб қолсангиз газ жўмракларини беркитиб, эшик ва деразаларни очиб хонани шамоллатинг ва дарҳол тумангаз авария-диспетчерлик хизматига ёки Марказий авария диспетчерлик хизматига 04; 255-44-27; 255-44-29; 253-56-19; 253-56-31 телефонлари орқали мурожаат қилинг.

Газ хизмати ходимлари етиб келгунига қадар гугурт чақманг, электр асбобларидан фойдаланманг, электр чироқларини ёқманг, ёниб турганларини ўчирманг, газ ҳиди сезилган хонадаги телефон аппаратидан фойдаланманг.

Шуни эсдан чиқармангки, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва сарфланган газ ҳақини ўз вақтида тўлаш — шаҳримиз газ қувурлари ва ускуналарини ўз вақтида таъмирлашга ҳамда газ таъминотини хавфсиз ва узлуксиз етказиб беришга имконият яратади.

**«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 1006

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 13:15